

йилидан бошлаб меҳнат таълими атамаси технология атамаси билан алмаштирилди, технология ва дизайн, сервис хизмати, умумлашган йўналишлари белгиланди. Яъни қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши дастурдан чиқариб ташланди ва ўрнига бўлинмайдиган синфлар учун умумлашган йўналиши киритилди. Шунингдек, агар синфдаги ўқувчилар сони 25 ва ундан ортиқ бўлса, синф ўқувчилари 2 гуруҳга, яъни ўғил болалар ва қизлар гуруҳига бўлиб дарс ўтилиши ҳам белгилаб қўйилди. Бунда технология ва дизайн йўналиши ўғил болалар учун, сервис хизмати йўналиши эса қиз болалар учун мўлжалланган. Умумлашган йўналиш эса юқоридаги ҳар иккала йўналишга оид мавзулардан иборат бўлиб, бу йўналиш ўқувчилари икки гуруҳга, яъни ўғил болалар ва қиз болалар гуруҳига бўлинмайдиган синфлар учун мўлжалланган [4].

2012 йилда Мустақилликдан кейин ўзбек тилида илк марта меҳнат таълимидан 5-синф учун Ш.Шарипов, Н.Муслимов, Ў.Толипов, Қ.Абдуллаева, О.Қўйинов, В.Сатторов, С.Ахмадалиев, М.Мўминовалар ҳаммуаллифлигида Шарқ нашриёти томонидан дарслик чоп этилди [5].

2017 йилда Ш.Шарипов, Н.Муслимов, О.Қўйиновлар ҳаммуаллифлигида 6,7-синфлар учун Шарқ нашриёти томонидан дарслик, 2019 йилда Ў.Тоҳиров, И.Каримов, М.Максимовалар ҳаммуаллифлигида 8-синф учун Илм-зиё нашриёти томонидан дарслик ва 3.Сатторова, Н.Абдусаломова, Н.Ахмедовалар ҳаммуаллифлигида 9-синф учун Ўзбекистон нашриёти томонидан технология ўқув фанидан дарсликлар чоп этилди ҳамда мактабларга етказилди. Шу билан технология фани бўйича дарсликлар муаммоси ҳал этилди [6;7].

1982 йилда “Ўқитувчи” нашриёти томонидан меҳнат таълими ўқитиш методикаси фанидан ўзбек тилида ёзилган биринчи қўлланма – Ж.Рамизовнинг “Умумтехника предметларини ўқитиш ва меҳнат таълими методикаси” номи қўлланмаси нашр этилди. Бунгача фақат рус тилидан таржима қилинган

китоблардан фойдаланиб келинган.

1992 йилда “Ўқитувчи” нашриёти томонидан меҳнат таълими методикаси фанидан К.Давлатов, А.Воробьев, И.Каримовлар ҳаммуаллифлигида ўзбек тилида ёзилган иккинчи қўлланма “Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси” қўлланмаси нашр этилган.

2014 йилда “Ўзбекистон файласуфлар уюшмаси нашриёти” томонидан Н.Муслимов, Ш.Шарипов, О.Қўйиновлар ҳаммуаллифлигида меҳнат таълими методикаси фанидан ўзбек тилида ёзилган “Меҳнат таълими методикаси ва касб танлашга йўллаш” номи биринчи дарслик нашр этилган.

2021 йилда “ТерДУ нашр-матбаа” нашриёти томонидан М.Х.Шомирзаев муаллифлигида ёзилган Технологик таълим йўналиши талабалари ва умумий ўрта таълим муассасалари “Технология” фани ўқитувчилари учун ўзбек тилида “Технологик таълим методикаси” номи дарслик нашр қилинган.

Ушбу дарслик технологик таълим йўналиши ўқув режасида белгиланган “Технология таълим методикаси” фан дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда технология таълим методикаси фанининг методологик ва дидактик асослари, тарихий тараққиёти шунингдек, умумий ўрта таълим муассасаларининг 5-9 синфларида технология ўқув фани машғулотларини ташкил этиш, технология фани дарсларида янги педагогик технологияларни қўллаш, интерфаол методлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган ва дарс ишланмаларидан намуналар келтирилган [8].

Хулоса қилиб айтганимизда юқорида баён этилган маълумотлардан аён бўладики, ёш авлодни ҳалол меҳнат қилишга, турли касб-хунарларни эгаллашга ўргатиб бориш халқимизнинг бутун ижтимоий-тарихий тараққиёти жараёнида муқаддас анъанага айланган. Аҳли донишлар, назоратчи ва амалиётчи олимлар томонидан бу соҳада кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб борилган ва олиб борилмоқда. Бу ишлар ҳозирги кунда республикамизда технология таълими тизимини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017, 546-б.
2. Хашимов К., Нишонов С. Педагогика тарихи. Дарслик. –Тошкент: Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриоти. 2005, 304-б.
3. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994.
4. Ўзбекистон Республикасининг УРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. –Т.: 23.09.2020.
5. Шарипов Ш.С. ва бошқалар. Меҳнат таълими: Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. -Т.: “Шарқ”, 2012.
6. Шарипов Ш.С., Қўйинов О.А., Абдуллаева Қ. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. –Т.: “Шарқ”, 2017, 240-б.
7. Шарипов Ш.С., Қўйинов О.А., Абдуллаева Қ. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. –Т.: “Шарқ”, 2017, 240-б.
8. Шомирзаев М.Х. Технология таълими методикаси. Дарслик. -Т.: “ТерДУ нашр – матбаа” нашриёти, 2021, 632-б.

РЕЗЮМЕ

Маколада технология таълими тизимини ривожлантиришда умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режасида технология фанининг қўйилиши ва назоратчи ва амалиётчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари ва онгли равишда касб танлашга йўналтиришнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье подчеркивается воспитательно-педагогическое значение внедрения технологий в учебные планы общеобразовательных школ и научно-исследовательской работы, проводимой научными руководителями и практиками, а также осознанная ориентация на выбор профессии в развитии системы технологического образования.

SUMMARY

The article emphasizes the educational and pedagogical significance of introducing technologies into the curricula of general education schools and research work carried out by scientific supervisors and practitioners, as well as a conscious orientation towards choosing a profession in the development of the technological education system.

НОМИНАТИВ ФАОЛИЯТНИНГ КОГНИТИВ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

А.А.Раҳимов – филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Самарқанд давлат чет тиллари институти

Таянч сўзлар: номинатив фаолият, номинант, когнитив қобилият, иккиламчи номинация, концепт.

Ключевые слова: номинативная деятельность, номинант, когнитивная способность, вторичная номинация, концепт.

Key words: nominative activity, nominant cognitive ability, secondary nomination, concept.

Номинацияни фаолият мезони асосида талқин тадқиқ қилиш ташаббуси билан чиққан Прага килиш ғояси тилни кўп вазифали фаолият сифатида лингвистик тўғраги аъзолари томонидан илгари

сурилган эди. Унга кўра, “инсон ички ва ташқи, реал ва мавҳум ҳолатлардаги борлиқни таркибий қисмларга ажратишда номинатив фаолиятга таянади. Мазкур фаолият натижалари эса тилнинг марказий бирлиги ва асосий номинатив функциясини намоён этадиган сўзларда мужассамдир” [32:138].

Дарҳақиқат, номинантлар борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни аташ баробарида борлиқни категорияларга белгиларга кўра таснифлаш, коммуникатив фаолият учун замин яратувчи синтактик-семантик имкониятларни яратувчи лингвокогнитив воситаларни вужудга келтириши билан ҳарактерланади. М.В. Никитиннинг қайд этишича, ушбу жараён моддий ва номоддийликларни исм гуруҳида, белги, миқдор, ҳаракат ва ҳолатларни эса белгилар гуруҳида таснифий идрок этиш ва нарсаларни белгилар, белгиларни эса нарсалар воситасида англаш имконини яратадиган механизмни вужудга келтириш билан боғлиқ маиший фалсафага асосланади [24: 659].

С.Д.Кацнельсон ушбу узвийликка бевосита ва билвосита номлашга асосланувчи ядро ва периферик муносабат нуктаи назаридан баҳо беради. Унга кўра, бевосита номлаш сўзнинг экстенцион татбиғига асосланади ва бунда фикрий изчиллик бевосита нарсалар ва тушунчаларга йўналтирилганлиги ҳарактерланади. Билвосита номлашда эса сўз ўзининг интенцион татбиғига эга бўлади ва бунда фикрий изчиллик бевосита нарсага эмас, балки унинг моҳиятини тақозо этувчи белгиларга йўналтирилади [16: 27].

Ҳар иккала ҳолатда номлаш ўз ибтидосига “номловчи субъект (номинатор), номланувчи объект (номинат) ва ном (номинант)” каби иштирокчиларга асосланувчи субъектив фаоллик орқали эга бўлади. Мазкур фаолият ижтимоий қиймат касб этиши эса инсоннинг ўз таассуротини бошқалар билан бўлиши истаги ва эҳтиёжи туфайли адресат ҳисобига кенгайиши, яъни “номнинг мулоқот иштирокчилари бўлган номинатор ва адресатлар учун умумий проекция (ифодалаш ҳамда тинглаб тушуниш) воситаси сифатида хизмат қилиши” орқали юз беради [11: 250-256].

Номинация бевосита фикрлашдан эмас, балки борлиқни кузатиш, улар устида муайян руҳий амалиётлар бажариш орқали объект ҳақида маълумот олиш, билим жамғаришдан бошланади. Шу хусусиятига кўра номинация ташқи ва ички фаолликлар узвийлигида юзага келадиган “эҳтиёж, ҳаракат, мотив, мақсад” кабилар изчиллигида воқеланувчи фаолиятни тақозо этади [30: 55].

Эҳтиёж когнитив қобилиятга хос эмпирик ва рационал воситаларнинг ташқи борлиқ ҳақида маълумот олишга бўлган ички интилиши ва талабини тақозо этса, ушбу интилиш туфайли дастлаб эмпирик, сўнгра рационал воситалар ҳаракатга келади. Ташқи ва ички фаолликлар уйғунлашуви эмпирик воситалар ҳаракати билан боғлиқ бўлиб, ушбу ҳаракат туфайли реал ва идрокий оламлар ўртасида кўприк вазифасини ўтайдиган ҳиссий образ, тасаввур шаклланади. Н. Алефиренко томонидан “образли тасаввур” деб юритилган мазкур маҳсул умумлаштириш ва мавҳумлаштиришнинг дастлабки босқичи сифатида борлиқнинг когнитив ҳаритаси, концептуал модели каби конструктив воситаларни ҳамда хотира, ҳаёл ва фантазия каби механизмларнинг шаклланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади [7:122].

Когнитологик манбада эмпирик воситалар фаоллиги туфайли вужудга келган ҳиссий образ ва тасаввурлар умумлашмаси “образли концепт” деб юритилади, ушбу концептларнинг рационал қайта ишланиши натижаида вужудга келадиган новербал ва вербал муқобиллар эса “образсиз концепт” термини билан юритилади [17:157]. Ана шу жиҳатлар номинатив фаолият фазаларини

тўғридан-тўғри концепт ҳосил қилиш билан боғлиқ когнитив ва мавжуд концептлар деривацион комбинациясига асосланувчи концептуал жараёнларга муносабатини белгилашни тақозо этади [24:759].

А.А. Потебнянинг илмий меросида эса ушбу механизм “инсон нарса ва ҳодисаларнинг ҳиссиётига таъсири туфайли фикрлайди”, -деган таърифида ўз ифодасини топади [25:212]. Ш. Сафаров ушбу механизмни “маъно шаклланишининг ўз-ўзини ташкил қилиш жараёни тасарруфида кечиши” мисолида кузатади ва уни “дискурсив-синергетик жараён” сифатида таърифлайди [28:143]. Келтирилган таъриф ва тавсифларга таянган ҳолда, инсон когнитив қобилиятига хос “энг муҳим” деб таърифланган ушбу хусусиятни “дискурсив-синергетик механизм” деб юритишни лозим топдик. Бинобарин, бири орқали иккинчисини келтириб чиқаришга асосланувчи ушбу механизм лисоний фаолиятнинг ибтидосини туғма қобилиятда белгиланган ички схематизм воситасида эмас, балки ўз-ўзини ташкил қилиш жараёни билан боғлиқ ҳолда изохлаш имконини яратади.

Эмпирик воситаларнинг борлиқдан таъсирланиши туфайли рационал воситанинг фаоллашиши ҳам номинатив маънонинг образли ва образсиз компонентларини вужудга келтириши когнитив қобилиятга хос ана шу дискурсив-синергетик механизмдан дарак беради. Шунингдек, ушбу ёндашув номинацияни икки фазали экани эътироф этилгани ҳолда, унинг моҳиятини иккиламчи номинацияга хос деривацион механизмлар орқали талқин қилиш билан боғлиқ изохталабликларга чек қўйиш имконини ҳам яратади.

Албатта, бундай терминологик хилма-хиллик бўлиши табиий ҳол, зеро илмий тадқиқот жараёни энг аввало индивидуал нуктаи назарга асосланади. Бироқ, туб моҳиятига кўра “номинатив деривация”ни акс эттиришига кўра умумий бўлган ҳодисаларнинг [23:79] икки хил термин остида ўрганилишини маъқуллаб бўлмайди. Юқорида келтирилган мулоҳазалар мазкур фаолиятни тилда мавжуд бўлган номинатив бирликлар тавсифидан эмас, балки инсон лисоний қобилияти ва фаолиятининг ибтидосини тақозо этадиган тилгача ва тил босқичларидан бошлаш лозимлигига ишора қилади. Шундагина ҳар қандай деривацион восита номинатив фаолият туфайли вужудга келишига ишонч ҳосил қилиш имкони туғилади.

А.Э.Маматовнинг қайд этишича, когнитивлик “олам концептуал манзарасини шакллантириш ва тилда акс эттириш, билимларни лисоний воситалар орқали тизимлаштириш” каби жараёнлар билан боғлиқ [21:212]. М.В. Никитиннинг фикрига кўра, когнитивлик ва концептуаллик ўртасидаги фарқ “жараён ва маҳсул муносабати” орқали намоён бўлади. Унга кўра, когнитивлик орқали бевосита концепт ҳосил қилиш билан боғлиқ жараён ўз аксини топса, концептуаллик орқали мавжуд концептлар деривацион комбинациясига асосланувчи маҳсуллар назарда тутилади [24:759].

Ушбу мулоҳазалар “кузатиш, эшитиш, ҳид ва таъм билиш асосида ҳосил қилинадиган соф сенсор, мотосенсор ва аралаш компонентли образли концептлар” ҳамда “объектга хос ментал моҳиятга, фикрий умумлашмага асосланадиган образсиз концептлар”ни [24:750] ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлган бирламчи номинантларни когнитив фазага хос маҳсуллар сифатида, асос сўз структурасида мужассамланган концептуал имкониятларга таянган ҳолда ҳосил қилинадиган иккиламчи номинантларни эса концептуал фазага дахлдор маҳсуллар сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқлигига ҳам ишора қилади.

Бирламчи номинантларга хос мотивацион моҳият хиралиги боис, улар структурасидаги образли ва образсиз концептларнинг вужудга келишини ҳар доим ҳам аниқ тиклаб бўлмайди. Шундай бўлса ҳам, ички формаси нисбатан шаффоф бўлган “*стол*” номинантининг “*стлать*” ҳиссий белгиси асосида ҳосил қилиниши; бойчечакнинг француз тилида (*perseneige*) “*қор томчиси*”, инглиз тилида (*snowdrop*) “*қорни тешиб чиқувчи*”, немис тилида (*schneeg löckchen*) “*қорли қўнғироқча*” каби ҳиссий белгилар орқали номланиши! [15:191], “ер ҳайдаш воситаси”га хос кўпсонли белгилардан “бир жуфт” (хўкиз) белгиси орқали “қўш” номинантининг ҳосил қилиниши [22:31] ҳақидаги тахлилий мулоҳазалар кузатилади.

Форобий ва Ибн Синолар талқинларида инсон ҳиссиёти ва ақл-заковати ҳамкорлигига асосланувчи когнитив қобилиятнинг дискурсив-синергетик изчиллиги туғма ва ҳосил қилинган ақллар орқали белгиланса, Е.С. Кубрякова инсон лисоний фаолиятининг дастлабки илдизлари “дискурсив фаолиятдан анча аввал, яъни туғма қобилиятнинг шаклланиш босқичида тўплана бошланган когнитив тажрибалар”га бориб тақалишини қайд этади [18:237]. Когнитив қобилиятнинг дастлабки татбиғи ва кейинги дискурсив-синергетик изчиллигига оид ушбу мулоҳазар бирламчи номинациянинг субъектив ташаббус асосида ўз ибтидосига эга бўлиши ва унинг кейинги ижтимоий тақомилида “катталар нутқининг интеракциясига асосланувчи тил муҳити”нинг муҳим аҳамиятга эга бўлишини қайд этиш имконини ҳам яратади [26:30]. Шуларга қўра, когнитив номинацияни “номинатив мушоҳадани структур жихатдан ташкил қилиш, бошқаришнинг бош миясидаги нейрофизиологик жараёнлар билан боғлиқ бирламчи механизми” сифатида изоҳлаш мумкин [19:85-89].

Бинобарин, ушбу фаолият “тилгача бўлган босқичида бола ўз атроф-муҳити билан ҳиссий боғланган ҳолда тил билан боғлиқ бўлмаган, лисоний кўникмани шакллантиришга хизмат қиладиган таянч концептларни шакллантириш”дан бошланади [1:112]. Нутқнинг онтогенез босқичига оид кузатишларда қайд этилган “аморф сўзлар” ва “диффуз сўзлар” [20:22-24] ушбу таянч концептларнинг тўлиқсиз ва тўлиқ воқеланишидан дарак беради.

Аморф сўзларнинг аниқ бир номинатив ва коммуникатив мақсад билан боғланмаслиги ва “синпрактик” моҳиятлилиги, диффуз сўзларнинг эса номинатив ва коммуникатив мақсадлар тиниклиги, “синсемантик” хусусиятлилиги шунга ишора қилади. Н.Н.Болдыревнинг таъбири билан айтганда, аморф сўзлар “объектнинг ҳиссий образи асосида вужудга келадиган бирламчи концепт”нинг лисоний воқеланишини ўзида акс эттирса, диффуз сўзлар ушбу образли концептларга “рационал ишлов бериш ва лисоний кодлаш асосида кўп ўлчамли концептлар ҳосил қилиш” натижасини тақозо этади [10:26].

Ушбу далиллар ҳам номинацияни когнитив ва концептуал фазалар дискурсив-синергетик изчиллигига асосланувчи фаолият сифатида талқин этиш лозимлигини кўрсатади. Аморф ва диффуз сўзлар дискурсив-синергетик изчиллик эса инсон лисоний фаолиятнинг ибтидосини “ҳайвонсифат одамларнинг жамоавий меҳнати” билан боғлиқ тадрижий таракқиётдан ёки ушбу тадрижий тақомил туфайли ирсий асосда туғма қобилиятда белгиланган лисоний схемалардан келиб чиқиб изоҳлашни тамомила инкор қилади. Булардан биринчиси номинатив фаолиятнинг икки фазали экани эътироф этилгани ҳолда, унга оид илмий изланишларни тил тизимида мавжуд бўлган луғавий бирликларнинг деривацион талқини доирасида чегаралашга олиб келса, иккинчиси инсонни ўз лисоний фаолиятининг ташаббускори ва ижодкори

эмас, балки генетик асосли туғма қобилиятга қарам, ижрочиға айлантириб қўйади.

Номинатив фаолиятнинг когнитив фазасини белгилаш имконини яратадиган аморф ва диффуз сўзлар бирламчи ном ва нутқнинг намунаси бўлиши билан бирга, номинатив мушоҳадани ташкил қилиш, бошқаришнинг когнитив механизмларини вужудга келишидан далолат берадиган манбалар сифатида эътиборга моликдир. Номинатив фаолиятнинг нисбий тақомилидан дарак берадиган диффуз номларнинг “идрок этилаётган предмет-ҳодиса ҳақидаги ментал тасаввурнинг жамланмаси” ва “оламни кўриш қолипи, лисоний фаолиятида ушбу қолип ёки ондаги “матн”лар билан иш кўриш имконини” яратадиган рефлексия (фикр юритиш) [29:148] билан боғлиқ хусусиятларни ўзида акс эттириши шундан дарак беради.

Е.С.Кубрякова томонидан келтирилган ном ва нутқ вазифасидаги “би-би” диффуз номинантига хос қуйидаги кўрсаткичлар унинг рефлексив фаолият натижасини тақозо этадиган когнитив-дискурсив курилма ва ИКМ билан боғлиқлигидан дарак беради: 1) машина билан ҳиссий боғланган ҳолда, унга хос белгилар кўламини аниқлаш ва аниқланган белгиларни “би-би” сигнал белгисида бирлаштирган ҳолда гештальт (олмонча *gestalt* - образ, структура, яхлит шакл) характеридаги образли схемасини шакллантириш [27:47]; 2) машинанинг сенсор-перцептуал муқобили бўлган ушбу образли схема асосида машинага хос “би-би” сигнал белгисини концептуал марказ, бошқа белгиларни қуршов бирликлари сифатида уюштирувчи тасаввурни вужудга келтириш ва номинатив мақсадни белгилаш [7:122]; 3) марказ-қуршов муносабатига асосланувчи ушбу образли тузилмага таянган ҳолда, номинатив объектга хос интеграл, дифференциал ва категориал кўрсаткичларни белгилаш ва рационал ишлов бериш, ифодаловчи ва ифодаланувчи қисмлар ассоциатив узвийлигини таъминловчи рамазлаштириш [7:127] амаллари машинанинг мантикий ва лисоний моҳиятини тақозо этувчи концепт, тушунча ва “би-би” номинанти ҳосил қилиш.

Шунингдек, ушбу номинантга хос когнитив-дискурсив асос унинг манба мақомидаги “би-би” ва мақсад мақомидаги “машина” концептларининг “алоқадор” предикати воситасида “*би-би*” *сигнал белгиси билан алоқадор машина*” пропозитив интеграцияланиши ва бунинг натижасида бутун-қисм муносабатига асосланган номинатив маънонинг вужудга келтирилиши мисолида ҳам кўзга ташланади. Мазкур когнитив-дискурсив тузилма ва номинатив маъноларнинг: а) “стол” - “*стлать белгиси алоқадор стол*”, б) “қўш” - “*жуфт хўкиз билан алоқадор ер ҳайдаш воситаси / қўш*”, в) “*skydiver*” - “*парашиотда сакраш спорти билан алоқадор шахс/ парашиотчи*” каби бирламчи ва иккиламчи номинантлар замирида ҳам ётиши уларнинг типик ва универсаллигидан ҳам дарак беради.

Когнитив-дискурсив ИКМ деб умумлаштириш мумкин бўлган ушбу тузилманинг: а) икки ментал майдонга мансуб концептларни “алоқадор” атомар предикати воситасида когнитив-дискурсив яхлитлаши, б) унинг “инсон идрокий фаолиятида кенг татбиққа эга бўладиган ассоциатив импликация” (лотинча “*implikatio*” - икки мантикий структура алоқадорлиги асосида ҳосил қилинадиган мураккаб тўқима. [14:197] воситасида шаклланиши нуктаи назаридан муштараклиги ҳам шунга ишора қилади.

Ушбу когнитив-дискурсив ИКМнинг диффуз, туб ва ясама номинантларда бирдек кузатилиши эса номинатив фаолиятнинг: а) бевосита концепт ва ном ҳосил қилиш жараёни билан боғлиқ когнитив; б) мавжуд концептлар деривацион комбинациясига

асосланувчи концептуал фазалари ўртасидаги дискурсив-синергетик изчилликни қайд этиш имконини яратди. Когнитивликдан концептуалликка ва аксинча концептуалликдан когнитивликка интилган ҳолда воқеланувчи ушбу фазалар ўртасидаги дискурсив-синергетик боғланиш улардан бирининг иккинчиси учун прототип манба вазифасини ўташига асосланади.

Дарҳақиқат, нарсаларнинг инсон хиссиётига

таъсири туфайли рефлексив фаолиятнинг ишга тушиши, бунинг натижасида образли ва образсиз концептларнинг вужудга келиши, номинатив мақсад ва манба мақомидаги концептлар когнитив-дискурсив интеграциясига асосланувчи номинатив маънода мужассамланиши инсон лингвокогнитив қобилиятига хос сир-синаотни тарихий тадрижиятдан эмас, балки унинг ички дунёсидан ахтаришга ишора қилади.

Адабиётлар

1. Bowerman M. Semantic Factors in the Acquisition of Rules for Word Use and Sentence Construction. In Morehead and Morehead (1976), 99-179.
2. Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. Тамбов: Изд-во Тамб. ун-та, 2001. Изд. 2-е, стер. –С.123.
3. Гак В. Г. Сопоставительная лексикология: на материале французского и русского языков – М.: Междунар. отношения, 1977. –С. 264.
4. Захаренко Е. Н., Комарова Л. Н., Нечаева И.В. Новый словарь иностранных слов: свыше 25 000 слов и словосочетаний. - М.: ООО ИФ «Азбуковник», 2008. –С.1040.
5. Звегинцев В.А. Семасиология. - М.: МГУ, 1957. –С. 324.
6. Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. Изд. 2, доп. URSS. 2010. –С. 344.
7. Кубрякова Е.С., Демьянов В.З. Панкрац Ю.Г. Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. - М.: Филологический ф-т МГУ им. М.В.Ломоносова, 1997. – С.245.
8. Кубрякова Е.С. Язык и знание, (на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). - М.: Языки славянской культуры, 2004. –С. 560.
9. Кульчицкая, Л. В. Понятие "когнитивная" и "концептуальная" метафора в отечественной лингвистике раннекогнитивного периода // Вестник Бурятского государственного университета. 2012. Вып. 11: Романо-германская филология. - С. 85-90.
10. Лурия А. Р. Язык и сознание. / Под редакцией Е. Д. Хомской. –М.: Изд-во Моск. ун-та, 1979 –С. 320.
11. Маматов А.Э. Ўзбек тилшунослигининг долзарб мумаммолари. Мақолалар тўплами. – Андижон: 2012. 212-221-б.
12. Миртожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1 қисм. -Тошкент: Университет. 2004. 358-б.
13. Никитев В.М. Основы номинативной деривации. –Минск: Высш. шк., 1985. –С. 157.
14. Никитин М.В. Курс лингвистической семантики. Учебное пособие. 2-е издание, дополненное и исправленное. СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 2007. –С. 819.
15. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике//Хрестоматия по истории русского языкознания. - М.: "Высшая школа", 1973. –С. 274.
16. Почепцов, О.Г. Языковая ментальность: способ представления мира Текст. / О.Г. Почепцов // Вопросы языкознания. - М.: 1990. № 6. -С. 110-122.
17. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик, – Жиззах: «Сангзор», 2006. 87-б.
18. Сафаров Ш. Семантика. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. 344-б.
19. Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. – Т.: "Баёз", 2015. 248-б.
20. Сафаров Ш. Лингвистика дискурса. – Челябинск: 2018. –С. 315.
21. Тезисы Пражского лингвистического кружка. История языкознания: XIX 1-я половина XX в. / Сост., автор комментариев и заданий д-р филол. наук З.И. Резанова. -Томск: Изд-во Том. ун-та, 2010. Ч. 1. –С. 266.

РЕЗЮМЕ

Номинация — эҳтиёж, ҳаракат, мотив, мақсад каби мезонларга асосланувчи фаолият бўлиб, эҳтиёж борлиқ ҳақида маълумот олишга бўлган ички интилишни ва талабни тақозо этади. Ушбу интилиш эса эмпирик ва рационал воситаларни ҳаракатлантиради. Мақолада диффуз, туб ва ясама номинантларга хос умумий когнитив-дискурсив структура билан бутун-қисм муносабатига асосланувчи номинатив маъно муштараклиги ҳамда унинг когнитив, концептуал асослари ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

Номинация — это деятельность, основанная на таких критериях, как потребность, действие, мотивация, цель; она продиктована потребностью и внутренним стремлением к получению информации о бытии. Это стремление, в свою очередь, задействует эмпирические и рациональные средства. В статье идёт речь о когнитивно-дискурсивной структуре, общая для приведенных выше диффузных, корневых и сложных слов, связана с идеальной когнитивной моделью и номинативным значением, основанным на отношениях часть-целое.

SUMMARY

A nomination is an activity based on criteria such as need, action, motivation, goal; it is dictated by the need and inner desire to obtain information about being. This desire, in turn, employs empirical and rational means. The article deals with the cognitive-discursive structure, common to the above diffuse, root and complex words, associated with an ideal cognitive model and nominative meaning based on part-whole relationships.

СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТУРИЗМИГА ОИД КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВЛАР

В.Ш.Раҳимов – педагогика фанлари номзоди, доцент

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: туристик-спорт ҳаракати, спорт туризми, спорт-соғломлаштириш туризми, туристик-спорт оперейтинг менеджери, касбий фаолият, компетентлик ёндашувлар.

Ключевые слова: туристическое-спортивное движение, спортивный туризм, спортивно-оздоровительный туризм, менеджер туристическо-спортивного оперейтинга, профессиональная деятельность, компетентностные подходы.

Key words: tourist and sports movement, sports tourism, sports and health tourism, manager of tourist is and sports operating, professional activity, competence-based approaches.

Ҳозирги пайтда спорт-соғломлаштириш туризмида кадрлар тайёрлашни касбий фаолият ва компетентлик ёндашувлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш долзарбдир. Жамият ривожланишининг аввалги даврида туризм ва спорт соғломлаштириш-билим орттириш соҳаси давлат хизматлариға тегишли эди.

Мамлакатимизда иқтисодий ривожланишнинг бозор механизмлари туризм ва спортни ташкил этишининг махсус талабларини аниқлаб бормоқда, уларнинг ўзаро

таъсири, туристик-спорт ҳаракати хизматлари соҳасида янги йўналиш пайдо бўлишини таққоза этмоқда.

Шу билан бирга, ҳаваскорлик туризми, турли хил юриш, сув, велосипед, экстримал туризми ва бошқа туристик ҳаракатларда амалга ошириувчи туристик-спорт фаолияти ривожланмоқда, Спорт туризми алоҳида спорт тури сифатида Ягона спорт таснифига киритилган.